

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲҚАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ “ОИЛА” ИЛМИЙ–
АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

Музайямхон Фармонова

**ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ
МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА ФАРЗАНД
ТАРБИЯСИ**

(Илмий-услубий қўлланма)

«TASVIR NASHRIYOT UYI»

Тошкент – 2020

УО'К 37.018.11

КВК 74.90

Ф 25

Фармонова, Музайямхон

Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросида фарзанд тарбияси. / Илмий-услубий қўлланма. – Тошкент: «Tasvir nashriyot uyi», 2020, 36 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқикот маркази директори, тиббиёт фанлари номзоди **Дилором Ташмуҳамедованинг** умумий таҳрири остида тайёрланди.

Такризчи:

Мухиба Ҳамидова – филология фанлари номзоди.

Мазкур илмий-услубий қўлланмада шарқ мутафаккирларининг оила, унда фарзанд тарбияси, ёш авлодни ҳар томонлама етүқ, баркамол ва ватаншарвар этиб камол тоғтириши хакиқати карашлари ва фикр-мулоҳазалари баён этилган.

Қўлланма оиласлар, ёш ота-оналар, таълим муассасалари, мажалла фуқаролар йиғинлари мутахассислари ва фаоллари, ушбу соҳада изланишлар олиб бораётган тадқикотчилар ҳамда кенг жамоатчиликка мўжжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқикот маркази Илмий-услубий кенгашининг 2018 йил 14 сентябрдаги 4-сонли йиғилиш баённомаси билан напротив тавсия этилган.

УО'К 37.018.11

КВК 74.90

ISBN 978-9943-5797-9-8

© “Оила” ИАТМ

2020

СЎЗБОШИ

Улуғ мутафаккирлар, олиму фузалолар, азиз-авлиёлар Ватани бўлмиши Ўзбекистонимизда кейинги вақтларда халқимизнинг эзгуликка йўғрилган анъаналари, урф-одатларини қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш, муқаддас қадамжолар ва обидаларни ободонлаштириш, ёш авлодни бой тарихимизга хурмат, ватанпарварлик ва одамийлик фазилатлари руҳида vogяга етказишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Биз таълим ва тарбия тизимишинг барча бўгинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз”, – деган фикри, шунингдек, Фитратнинг “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат килиши, давлатманд бўлиши, баҳтли бўлиб иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, баҳтсизлик юқини тортиши, эътибордан колиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз отоналаридан болалиқда олган тарбияларига боғлик¹”, – деган фикрларига давлатимиз раҳбарининг алоҳида ургу берипши зиммамизда ҳалқ манфаатлари, фарзандлар келажаги, уларнинг тарбиясига онд масъулият нечоғли юкори эканидан далаолатдирип. Зоро, фарзандлар бизнинг келажагимиз, улар отона ва ажододларимиз ишпининг давомчилари хисобланади.

Яна Президентимиз эътироф этганидек: “Ўз миллий тарихи ва маданиятига, дунёда энг катта бойлик бўлган интеллектуал ва маънавий салоҳиятга чукур хурмат билан ёндашиш, уни асраб-авайлаш ва бойитиш, шу асосда ёш авлодни миллий ва умумисоний қадриятлар руҳида тарбиялап жаҳондаги ҳар бир давлат

¹ Мирзиёев Ш.М. 2016. 8 декабрь. “Халқ сўзи” газетаси.

ва жамиятнинг моддий ва маънавий тараккиётида, ҳеч шубҳасиз, ҳал қиувчи ўрин эгаллайди”². Ушбу кўлланмадан ота-оналар, мажалла фаоллари, таълим муассасалари ва ёшлилар фойдаланиши назарда тутилиб, мутафаккирларнинг миллий фазилатлар, қадриятлар, одоб-ахлоқ, тарбия ҳакидаги фикр-мулоҳазалари, ўйтлари ва хикматлари таҳлиллар асосида ёритилди.

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА МУТАФАККИРЛАРНИНГ ҚАРАШЛАРИ

Фарзанд комиллиги, унинг тарбияси, соғломлиги, миллий қадриятларга, Ватанига бўлган мухаббати каби масалалар кўтарилганда, мутафаккир Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур,” – деган маъноли фикрлари накаллар ҳакиқат эканлигини англаймиз. Тарбиянинг ўчоги бўлган оила – ҳар бир ҳалкнинг, миллатнинг давомийлигини сакловчи, миллий қадриятларнинг ривожини таъминловчи, маънан ва жисмонан баркамол авлодни дунёга келтириб, тарбиялаб, ватанпарвар юрт химоячиларини вояга етказувчи муқаддас макондир. Инсон илк тарбияни оиласдан, меҳр қўридан, онанинг сути ва ўзига хос алласидан олади. Унинг таъсири одам табиатига, қалбига мустаҳкам жойлашпади. Фарзанднинг комиллиги, руҳияти, меҳрибонлиги, одоби ҳар бир оиласдан белгиланган ички, ўзига хос конун-коидалари асосида шаклланиб боради. Президентимиз таъкидлаганидек, “Барчамизга аёнки, юртимиздаги ҳар қайси инсон ҳар қайси оиласнинг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётий манфаатлари, авваламбор, унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўёбга чиқади”³. Бунда фарзандларнинг маънавий тарбияси масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. Маънавият сўзини изохлаган олим Сафо Очил: “Маънавият” деганда, инсон хулқ-атворининг гўзаллиги, саховатланиги, олижаноблиги, ваъдасига вафодорлиги,

² Мирзиёев Ш.М. 2017. 24 июнь. “Ҳалқ сўзи” газетаси.

³ Мирзиёев Ш.М. 2016. 8 декабрь. “Ҳалқ сўзи” газетаси.

ҳаёлилиги, билим олиши, донолиги, бағрикенглиги, одоблилиги, озода ва покизалиги, қалбининг беғуборлиги, хушмуомалалиги ва шу сингари ёқимли урғ-одатлар тушунилади”,⁴, – деган фикрни илгари суради.

Абдукаххор Иброҳимов ўзининг “Бизким, ўзбеклар” китобида: “Одам маърифат сўзини кўп тилга олавермай маърифатли, маънавият иборасини ҳадеб ишлатмай маънавиятли бўлиши мумкин. Чунки булар тилда эмас – маърифат – онгда, маънавият – қалбда макон топади”⁵, – дейди.

Олимнинг фикрига кўра, бугунги кун аёлларимизни жамият ривожидаги фаолликлари билан бирга, маърифатни онгларига, маънавиятни қалбларига жо килиб оиласа фарзанд учун меҳрибон она, турмуш ўртоғи учун севикли ёр, қолаверса, оиласа илиқ, мўътадил иқлим ва шароит яратса оладиган ижодкор ва ширинсўз бека эканликларини ёдда тутишлари хам муҳим аҳамиятта эга. “Тарбиянинг тури ва уни болаларга сингариш усули хилма-хил, бири-биридан зарур. Бирок меҳр-шафқат, ҳалоллик, ростгўйлик тарбияси шу кунимизнинг энг долзарб мавзуидир⁶.

Мутафаккир Мавлоно Содик Қошгарий (XV аср) “Одобия” асарида устоз бўлишининг 400 дан ортиқ қоидаларини баён қилган⁷. Булардан энг муҳимларини таъкидлаб ўтамиш.

1. Устозликка дъявографнинг аввало бўези тоза бўлсин. Устоз халол еб, халол ичиши керак. Акс холда унинг сўзлари ёлгон бўлади.

2. Устоз покдалмон бўлсин. Устоз камтар ва магрур бўлиши керакки, оддий одамлар унга мурожаат кила олиши ва нопоклар уни бўйсундира олмаслиги керак.

⁴ Сафо Очил. Мустақиллик ва тарбия масалалари. “Ўзбекистон”, 1995. 6-бет.

⁵ Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар. “Шарқ”, Т:2011. Б.86.

⁶ А.Солиев. Қатра ўйтлар.- Тошкент. “Ўқитувчи”, 1995, 24-бет.

⁷ М.С.Қошгарий. Одоб сабоклари. “Шарқ Юлдузи”, 1991. 1-сон. Форс тилидан Н.Комилов таржимаси.

3. Устоз зинда дил бўлсин. Тириккўнгил одам руҳиятшунос бўлиб, инсон шахсини яхши тушунади, ҳаётга оптимал қарайди, ўз касбинни севади. Бу ўринда шахс психологиясини яхши тушуниш ҳакида сўз бормоқдаки, унинг замирида кўнгил кўзи юмук одамнинг тарбиячи бўла олмаслигига ишора бор.

4. Устоз назаркафда бўлсин. Яъники, Устоз шогирдининг иссиқ-совуғидан, юриш-туришидан ва фикру зикридан хабардор бўлиши лозим.

Устоз шогирдини турли усулларда тарбиялайди. Кимдири 20 йил, яна кимдири 7 йил тарбия олиши мумкин. Жумладан, машхур Баҳоуддин Накшбанд устозлари кўлида бор-йўғи 7 йил тарбия кўрган, холос. Таъқидлаш жоиз, қадимда агар устоз шогирдининг истеъодини тарбиялашга ўзини ожиз сезса, уни дарҳол ўзидан кучлироқ устоз ҳузурига юборган, токи шогирдининг ўйлига тўғаноқ бўлмаслик учун⁸. Бундан кўринадики, фарзанд тарбиясида, энг аввало, устоз тарбиячиларимизнинг ўзлари тарбиянинг талабларига тўла жавоб берадиган, баҳтли-саодатли, ўз оиласи ва мавқенига эга, маънавий баркамол, хушхулкли, гўзал муомалали, бутунги замонавий талабларга жавоб бера оладиган, фарзандлар кўнглига йўл топа оладиган бўлишлари хам муҳим экан.

Фарзанд тарбияси, келажаги ва манфаатлари ҳакида сўз борганда “Бундан уч ярим минг йил илгари яшаб ўтган фиръянлардан бирининг қабртоши устига ‘Ёшлиғимиз ўжар ва қайсаф, кексалариниғ айтганини назар-писандга олмайди, ажододлар қадиғиятларини инкор этади’.– деган сўзларнинг битиб кўйилгани ёшлар тарбияси башарият тараққиётининг барча даврларида хозиргидек асосий муаммолардан бири бўлиб келганини тасдиқлайди.

Амир Темур (1336-1405) – ўзбек давлатчилигини энг юксак поғонага олиб чиқкан буюк шахс. У ўз ҳаёт фаолияти да-

⁸ Ш.Абдужалілова. Абдурауф Фитратнинг оила ва бола тарбиясига оид карашлари. Т., “Ёзувчи”, 2002. Б.16.

⁹ П.Таранов. Энциклопедия высокого ума. М., 1999. Б-16.

вомида доимо ўзининг “Куч – адолатда” деган шиорига амал килган ҳолда иш юритган. Амир Темур фарзандлари, набиралари, яқинларининг тарбиясига алоҳида эътибор қаратган.

Набираларини тарбиялашда Амир Темурнинг рафиқаси Сароймулхоним бош-кош бўлган. Сароймулхоним шахзода ва маликаларни ҳалол, меҳнатсевар, ақлли, доно, одоб-ахлоқли, мўмин ва мўмinalар килиб тарбиялаган. Амир Темур ва Сароймулхонимнинг тарбиясини олган Мирзо Улугбек дунёга машҳур комусий олим бўлиб етишди ва аклу заковати билан илм аҳлини лол қолдирди. Амир Темурнинг марказлашган давлатини, меҳнаткаш ҳалқини кўролмайдиган давлат атрофидаги душманлар кўп бўлгани учун ҳам сохибқирон ҳарбий юришлар олиб боришга мажбур бўлган. Унинг ёзишича, ўз юмушларининг ўндан тўққизини муроса-ю мадора асосида ҳал қилган. Танҳо ўндан бир хисса ишларда илож топмагач, куч ишлатишга мажбур бўлган. Энг муҳими, Амир Темур қонун устуворлигига катта эътибор қаратган. Бунга Амир Темур тартиб берган “Темур тузуклари” ёрқин мисол бўла олади. Сохибқирон даврида қонунлар барча учун баробар бўлган. Ҳатто унинг баъзи бир ўғиллари ва набиралари қонундан ташқари нолойиқ иш қилганларида улар қаттиқ жазолангандар. Амир Темур қаттиқкўл ва шу билан бирга адолатпарвар давлат арбоби бўлган. Амир Темурнинг “Темур тузуклари” номли китобида унинг адолатпарварлиги ва ҳар бир ишга масъулият билан ёндашганлигини кўриш мумкин. Ушбу тузуклардан барчамиз турмуш тарзимизда, фарзанд тарбиясида, оилада ички қонун-қондалар ўрнатишда ва тарбияда маънавий мерос, миллый қадрият сифатида фойдаланишимиз максадга мувофиқдир.

Баркамол инсон, унинг тарбияси ҳакидаги юксак гоялар баён килинган зардўштӣларнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг туб маъно - мохиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам бехад ибратли сабоклар борлигини кўриш мумкин.

Қадимий Туранзамин ва Эронзаминдаги ахлокий тафаккур тараққиёти зардўштийлик динининг вужудга келиши билан боғлиқ. Зардўштийлик илохи Ахурамазда – эзгулик, Ахриман эса ёвузлик тимсоли сифатида намоён бўлади. Зардўштийлик динини маълум маънода ахлокий эътиқод, унинг муқаддас китоби “Авесто”ни қадимги аждодларимиз амал қилган ахлокий тушунчалар ва қўрсатмалар мажмуи, дейиш мумкин. Қадимги Юонон алломалари Сукрот, Афлотун, Арасту тълим-тарбия, ахлокшунослик борасида бир қатор қарашларни илгари сурган. Арасту антик дунё фукаросининг анъанавий фазилатлари бўлмиши донишмандлик, мардлик, одиллик, дўстликни юксак қадрлайди. Конфуций тълимотида асосий ахлокий конун, асосий ахлокий тушунча – “жэнь” (инсонийлик)дир. Масалан, “Лунь юй” (Хикматлар) китобида шундай дейилади: “Кимки чин дилдан инсонни севишга интилса, у ёвузлик қилмайди.”¹⁰

Абу Наср Форобий Арасту изидан бориб, фалсафани иккига: назарий ва амалий жиҳатларга ажратади ва ахлокий тарбияни амалий фалсафа таркибига киритади. Ахлокий муаммолар унинг “Бахтта эришув йўлинни қўрсатувчи китоб “Фозил одамлар шаҳри”¹¹ каби асарларида ёритилган. Мутафаккирлар ўз асарларида инсонни ёшлигидан ақлий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялаб, сабот-матонатли, аждодлар анъанасига бўйсунадиган, ахлокан пок, эзгу ниятли, баркамол бўлишига алоҳида эътибор берган.

Юсуф Хожибининг “Қутадгу билиг” асарида кишидаги ижобий фазилатлар уни доимо камолот сари етаклапи, инсон доимо ўз тарбиясига эътиборли бўлиб юриши зарурлиги уқтирилади. Шунингдек, унда уят-андиша, ор - номус, ватанпарварлик, хушмуомалалик, ширинсўз, каттага хурмат, кичикка иззат, ўз-ўзини хурмат килиш, очик юзлилиқ, ақлли ва доно, билимли, хуљи хуш каби – жами 17 та фазилатлар ёритилган. Жумладан, унинг:

*Бириси шошиялмок, бирфи-кўзи оч,
Бирфи жаҳолатдор, яқинлашма, қоч.*

¹⁰ Абдулла Шер. Ахлокшунослик. Матбузалар матни. Т., 2000. Б.20.

¹¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993. Б-159

*Тўртингчи – ёвузлик, бузук феълилик,
Охиргиси – ёлеон, қўпол тиллилик.
Булардан тубани ёмон феъл эрур,
Ёмон феъл кишига аламлаф берур.
Очиқ из, шириғ сўз, майинлик керак,
Феъл-авторда мослик, тайинлик керак,*

деган мисраларида халкни гийбатдан, ёлғондан, тубанликтан, қўполлиқдан йирок бўлиб, ширинсўз ва чиройли, майин муомалада бўлишпликка чорлайди. Зоро, бундай миллй фазилатларга ёндашган инсоннинг оиласи мустаҳкам, ўзи эса баҳтали бўлади.

Сомонийлар даврининг улкан шоири, мутафаккири Абу Абдулло бинни Жаъфар Рӯдакий комил инсон тўғрисида куйидаги мисраларни ёзиб қолдирган:

*Тўрт нафсани берди менга оқиллафча ўйламоқ;
Тансизматлик, яхши одат, яхши ном, яхши фикр.
Танҳри кимга қылган бўлса бу тўрт нафсани насиб,
Мангу шодлик билан яшаб, еам емаса ҳам афзир.¹²*

Ушбу тўртлиқда шоир инсонларни ҳаёти давомида амалга ошираётган барча ишларида ёмон иллатлардан узок бўлиб яхши ҳаёт кечиришга, окилона ва яхши фикр юритиш орқали эса ўзидан яхши ном қолдириш мумкинлигини ва бу йўл инсонни барча дараллардан фориг бўлишига ёрдам беради, деган фикрларни илгари сурган. Биз инсонни теран, окилона фикрлапга чорлар эканмиз, газал мулкининг сultonи, улуғ мутафаккир Алишер Навоий ижодида инсон номи магнур жаранглар экан, у “Одамлар ҳам борликка инсон манфаатлари нуқтаи назаридан караши, инсонийликни яратишлари, унга хилоф бўлган ходисалар учрагудек бўлса, уни бартараф этиши учун курамшомклари керак”, — дейди. Бу фикрда инсон, инсон манфаатлари, қадр-қиммати юқори экани, шу ўринда у тарбия жараёни бўладими, жамиятда тутган ўрни бўладими,

¹² Рӯдакий. Т; 1967, Б. 67..

оилада тутган ўрни бўладими, фарзанди, аёли олдидағи тутган ўрни ёки бурчи бўладими, ҳар қандай вазиятда ҳам адолат билан оқилона ёндашиш ва учраши мумкин бўлган муаммаларни бартараф этиш назарда тутилмоқда. Инсон, Алишер Навоий таъбири билан айтганда: “Барча маҳлукотнинг тожидир. У шарафли, соғ, гўзал яшамоги керак”¹³. Алишер Навоий ўз асарларида инсоннинг маънавий қудратини, бойлигини, гўзаллигини, инсонийлигини энг юксак чўккиларга кўтарида. Инсонпарварлик билан самимий муҳаббатни, вафони, саҳоватни тараннум этади.

Агар Шарқ адабиёти тарихига назар ташласақ, исломий гоялар негизидаги ахлоққа оид дастлабки асарлар панднома, хикматлар кўринишида яратилганининг гувоҳи бўламиз. Бу, албатта, исломий адабиёт оламида инсон тарбияси масаласи қадимдан катта ахамиятга эга бўлганини кўрсатади. Чунки панднома ва хикматларда кўтариладиган асосий гоялар шахснинг маънавий ва жисмоний камолоти масалалари дидир.

Буюк ажоддларимиздан И мом Бухорий, И мом Мотурудий, Ҳаким ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Бахоуддин Нақшбанд каби мутафаккирлар ўзларининг бекиёс маърифатлари билан умуминсоний маданиятнинг ривожланишига улкан ҳисса кўшишган. Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий маърифатни илм, амал, одоб билан ўзаро боғлиқ хислатлар деб ҳисоблаганлар. Уларнинг фикрига кўра, кишининг одоби, хулки унинг маърифати, билимдонлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсон қанчалик маърифатли бўлса, унинг хулки шунчалик яхши ва мукаммал бўлади.

Туркистонда маърифатчилик гояларининг тарқалиши Гулханий, Аҳмад Дониш, Оғаҳий, Нодира, Увайсий, Анбар отин, Мукимий, Фурқат, Завқий каби ижодкорлар номи билан боғлиқ. XX аср бошидаги жадидчилик ҳаракатининг илгор вакиллари – Беҳбудий, Авлоний, Тавалло, Сўфизода, Фитрат, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари ёзувчи ва шоирлар халқнинг ижтимоий онгини маърифат асосида тарбиялаш учун фидойилик кўрсатдилар.

¹³ Ойбек. “Навоий”. “Шарқ”. 1995.Б.39.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузурида Ўзбекистондаги Ислом Маданияти Марказини ташкил этиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида “Улуг аждодларимиз томонидан яратилган ва бутунги кунда бутун маърифат оламини дунёни ҳайратта солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки ҳалкнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги қашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасизdir”, деб таъкидлагани барчамизни руҳлантириб, бу масалага янада масъулият билан ёндапишимиш зарурлигини кўрсатмоқда¹⁴.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТАРБИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Биз фарзанд тарбиясида мутафаккирларнинг қарашлари, олимларнинг фикрларини ўрганар эканмиз, беихтиёр миллатимизга хос бўлган ахлоқий, тарбиявий фазилатлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Шунингдек, илк тарбия, самимий муносабат, гўзал муомала оиласдан ота-оналаримизнинг намунаси тимсолида шаклланади. Абу Наср Форобийнинг: “Инсон ўз баҳтига эришишда гўзалликни кўриши ва ҳис қилиши нинг ўзи етарли эмас, бунинг учун гўзалликни яратса олиши муҳимдир”, – деган фикрларида олам-олам маъно бор. Мутафаккирнинг бу фикрида бутунги ота-оналаримиз ўзлари намуна бўлган холда оилаларида, ишларида, рўзгорларида, уй тутишларида, ўзаро муносабатларида, юриш-туришларида, кийинишларида, саломатликларида, фарзанд тарбиясида, улар билан бўладиган муомалада гўзалликни яратса олишлари зарур, деган ғоя ўз аксини топган. Аждодларимиз ҳам ўзлари намуна бўлган холда ўз фарзандларига панду насиҳатлар қилганлар. Жумладан, Абу Наср Форобий: “Хар инсон касб-корини мукаммал билмоғи, яхши тарбия олмоғи, яхши

¹⁴ Мирзиёев Ш.М. 2017. 24 июнь. “Ҳалқ сўзи” газетаси.

хулк-атворга, фазилатларга эга бўлмоғи керак”, — деган экан. Араб ҳикматларининг бирида: “Уч нарса кипши ақлини пеплайди: бири олимлар ва кексалар билан сухбат, иккинчиси хаётий тажриба, учинчиси чидам ва сабот билан интилиш. Инсон икки нарсанинг қадрини факат йўқотгандағина билади: бири ёшлиқ, бири соғлик”, — деб таъкидлангани бежиз эмас. Дарҳакиқат, инсон одамлар орасида яшар экан, ўзаро муомала ва муносабатда бўлади ҳамда ўша жамиятдаги инсонларнинг ахлоқи, тарбияси кўзгусида яшайди, унга кўнишиб кетади. Жамиятда хушмуомала, тарбияли, ақлли, ташаббускор, фаол инсонларни ҳамма яхши кўради. Мутафаккирларимизнинг тарбия, илм, фанга оид қарашларини қуида келтиришдан максад, улар фарзанд тарбиясида унумли фойдаланишда оз бўлса-да, ёрдам беради, деб умид қиласиз.

Абу Наср Форобий (873-950) илмнинг турли соҳаларига оид катта илмий мерос қолдириди. М.Хайруллаев ўзининг “Форобий ва унинг фалсафий асарлари” монографиясида Форобийнинг 119 та асари рўйхатини келтиради. Ўз даврининг зукко, илмли мутафаккири Форобий 70 дан ортиқ тилни муқаммал билган ва кўпгина тиллардаги энг муҳим асарларни аслиятда мутолаа қилган.¹⁵ Агар Аристотель Шарқда “Муаллимни аввал” деган унвон олган бўлса, Форобий Аристотель асарларини тарғиб қилгани ва унинг қарашларини янада ривожлантиргани, Аристотель каби универсал илмга эга бўлгани учун “Муаллимни соний”¹⁶ (“Иккинчи муаллим”) деган ном олган. Форобий ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган “Фозил шахар аҳолиларининг фикрлари”, “Баҳт-саодатга эришув ҳақида рисола”, “Баҳт-саодатта эришув йўллари” каби асарларни ёзган. Форобий фазилатли шахарда илм, фалсафа, ахлоқ, маърифатнинг аҳамияти биринчи ўринда бўлмоғи керак, шундагина жамият етукликка эришади, дея таъкидлайди. Унинг фикрича, инсоннинг ва жамиятнинг галабага эришуви,

¹⁵ Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар. “Шарқ”, Т:2011. Б.142.

¹⁶ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. “Абдулла Қодирий”нашриёти, Т:1993.Б.10.

яхшиликни кўлга киритиш, ахлоқий ва ақлий мукаммалликка эркагуви инсон ва жамоанинг ўз кўлидадир,¹⁷ шунингдек, билим-маърифат, албатта, яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим, — деган сўзлари замираидаги оиласада, таълим муассасаларида фарзандларга нафакат билим, балки тарбия хам зарурлиги илгари сурилган. Зоро, доно ҳалқимиз “Бола – одоби билан гўзал”, деб бежиз айтмаган.

Абу Ҳомиид Фаззолий ўзининг “Ихёу улумид-дин” китобида тўртта катта мавзуни жамлаган:

а) ибодатлар ҳакидаги кисм, б) урф-одатлар ҳакидаги кисм, в) ҳалок қиалувчи ва г) нажот берувчи нарсалар ҳакидаги кисмлар. Ҳар бир кисм ўнтадан, жами кирқта китобни ўз ичига олган. Таъкидлаш жониз, Абу Ҳомиид Фаззолий бирор мавзуни ёритар экан, исломий одоб ва анъанага кўра, дастлаб унга тегишли оятларни келтиради, сўнгра Пайғамбаримизнинг ҳадисларига мурожаат этади, кейин эса сахобалар ва бошқа улуғларнинг сўзларидан, сийратларидан далиллар келтиради, шундан сўнг фикр-мулоҳазаларини баён этади, лозим ўринларда сўзларини хужжат билан қувватлайди.¹⁸ Биз Абу Ҳомиид Фаззолийнинг “Ихёу улумид-дин” асарининг “Мухлиқот” (ахлоқатта олиб борувчи оғатлар) кисмини, яъни “Тил оғатлари”ни танладик. Ушбу китобда мумомала одоби, юксак ахлоқий интизом масалалари оят, ҳадис асосида сахобаларнинг сўзлари, ибраторумуз ривоятлар орқали ёритилган. Биз киска бўлса-да, тил, тил оғатлари ҳакида сўз юритар эканмиз, тилнинг фаолият ва таъсир доирасига чек йўқ: яхшилик сари юрса, олдида кенг майдон, уфқлар қадар чўзилган, ёмонлик йўлига кирса, илон-чаёнлар каби судралиб, тубсиз тубанликка кетиши мумкин экани беихтиёр, ҳар биримизни аввал ўйлаб, кейин сўйлашга чорлайди.

Абу Бакр ибн Ийон хикоя килади: “Тўртта шоҳ – Ҳинд, Чин, Эрон ва Рум подшоҳлари бир жойга жамланди. Бирини

¹⁷ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри.

18 Имом Абу Ҳомиид Мухаммад ибн Мухаммад ал-Фаззолий. “Ихёу улумид-дин”, Т: “Мовароунвҳр”, 2003. Б.5.

деди: “Айтмаганларимга эмас, айтган сўзларимга пушаймонман”. Яна бири айтди: “Қачонки битта сўз гапирган бўлсам, у сўз менинг хўжайинимга айланди, мен унга тобе. Гапирмаган сўзимга эса мен хўжайин бўлдим, у менга тобе”. Учинчиси деди: “Гапирган гапи ўзига қайтарилса, зарар берадиган, агар қайтарилмаса, фойда бермайдиган гапи рувчига ажабланаман!?” Тўртинчиси деди: “Айтганларимдан кўра, айтмаганларимни рад килиш менга осонрок”.

Абу Зар дейди: “Расууллоҳ саллоълоҳу алайҳи вассаллам менга шундай дедилар:

— Баданингта енгил, мезонда оғир амални сенга ўргатайми?

— Ҳа, албаттa, эй Оллохнинг расули, — дедим.

— Бу амал – жим юриш, гўзал ҳулк ва бехуда гаплардан тийилишидир, — дедилар.

Ибн Масъуд айтди: “Сизларни ортиқча гапдан огоҳлантираман! Кипига эҳтиёж даражасидаги гап кифоядир”.

Мужоҳид деди: “Албаттa, сўзлар ёзиб борилади. Ҳатто киши ўғлини тинччиши учун: “Сенга фалон-фалон нарсалар сотиб оламан,” – деса, уни “каззоб” деб ёзиб қўйилади.

Мутафаккир Абу Ҳомид Газзолий қарашларидағи гўзал ҳулк, муомала, сўзлашда ақл ва заковат билан ўйлаб гапириш, ёлғон гапиришдан йирок бўлиш илгари сурилган. Мутафаккирнинг бу фикрларини ёшлар онгига сингдириш ва тарбиялаш оркали оиласардаги ўзаро муносабатларни яхшилаш, турли келишмовчиликлар, низоларни олдини олиш мумкин. Чунки яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқиши ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, келинглар, оиласа фарзандларга, яқинларга мулойим, ширинсўз, чиройли муомалада бўлиб, имкон қадар намуна бўлишга харакат килайлик.

Алишер Навоий – шоир, мутафаккир, олим, давлат арбоби (1441-1501). У нафакат буюк шоир, ўзбек адабиётининг асосчиси, илк бора “Хамса” асарини туркий тилда яраттан буюк мутафаккир ҳам эди. Унинг бир қанча насрй асарлари ўзбек тилига бағишиланган. Ўзининг “Мажолис ун-нафонис”, “Мухокаматул-лугатайн”, “Мезон ул-авзон” каби асарларида

ўзбек тилининг имкониятларини кўрсатиб берган. “Мухокамат ул-угатайн” асарида ўзбек тилини форс-тожик тили билан қиёслаб унинг бойликларини, ўзбек тилининг имкониятлари нихоятда чексиз эканлигини исботлаб берган. Ҳолбуки, Навоийгача ўтган бир қанча шоирлар бу тилда асарлар яратиб бўймайди, унинг имкониятлари чекланган, деган қарашларни илгари суриншган. Захиридин Мухаммад Бобурнинг таъбирича: “Алишер Навоий назарий гояларни илгари суригани на қолмай, балки бу тилда жуда кўп ва хўп асарлар яраттан. Алишер Навоий асарларида шунчалик кўп сўзлар ишлатилганки, тўла бўлмаган ҳисоб-китобларга кўра, у ўз ижодида 26 мингдан ортиқ сўз ишлатганлиги аникланган. Мутафаккир ўз асарларида бир қатор тўртликларни аёллар, ота-она ва фарзанд муносабатлари таърифига бағишлади. Навоий ижодида аёллар, айниқса, оналарга бўлган чукур хурмат ва эхтиром доимо сезилиб туради. Жумладан, “Иффатли, ширинсўз, хушумомала, ақлли ва гўзал хулк аёллар хамиша кут-барака, ширин хаёт манбаидирлар. Сен ўзингга ёр, маҳбубу тиласонг, унинг тўгрисўзлиги, хакгўйлиги, юриш-туришига бок”¹⁹ – дейди. Албатта, шоир аёлларни бебаҳо сўзлар билан кўкларга кўтарар экан, эркакларни аёл танлашда нималарга аҳамият бериш кераклигини таъкидлаб ўтади.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг “Навоий” романидаги инсонийлик, яхшилиқ, адолат, миллатлараро ва динлараро тутувлик каби эзгу гояларнинг илгари сурилишини кўришимиз мумкин. Инсон қалбининг кувонч-қайғусини, эзгулик ва хаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Биз бу бебаҳо меросдан ҳалкимизни, айниқса, ёшлиримизни қанчалик кўп баҳраманд этсақ, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик курадатли маърифий куролга эга бўламиз. Алишер Навоийнинг “Насойим-ул мухаббат” асарида комил инсонга хос хусусият-

¹⁹ Алишер Навоий. Ибратли хикоятлар ва хислатли хикматлар. Т: “Sano-standart”? 2016/ Б.82.

лар ва унинг шарқона фазилатлари санаб ўтилади. Булар каторига улуғ мутафаккир: тавба, ҳалол лукма билан каноатланиш, ўз касбидан топиб кун ўтказиш, шариатта риоя этиш, барчадан ўзини кам деб билиш, хатто фарзандлари, хизматкорларига қўполлиқ қиласлик, чучук тиали бўлиш, яхши, мулоийм бўлиш, раҳмдил бўлиш, сахий бўлиш, мард бўлиш, ҳалимлик, хушхулк бўлиш, ризо-розилик билан кун ўтказиш, сабрли бўлиш, садоқатли, вафоли бўлиш, риёзат чекишдан кўркмаслик кабиларни киритади. Алишер Навоийнинг қуйидаги:

*Беғойда сўзни кўп айтма,
Чин айта олур тилни ёлғонга булаама;
Айттур сўзни айт,
Айтмас сўздан қайт;*

“Имкони бор ҳар бир яхшилик – ёз ғофқалидир” каби байтлари унинг карашларига мисол бўла олади. Мутафаккирнинг “Хайрат ул-аброр” достонларида ота-онага хурмат, иймон, адолат, сахийлик, тўғрилик, омонатта хиёнат қиласлик, сабр-каноат, вафо, шукур, айниқса, ростгўйликка даъват етакчилик килади. Мана шундай фазилатларга эга бўлган одамнинг оила ва атрофдагилар олдида обрўйи ва хурмати ошиши таъкидланади. Аксинча, ота-онасини ранжитадиган, ватъасида турмайдиган, бироннинг омонатига хиёнат киладиган, дўстга вафосиз, ёлгон сўзлайдиганларнинг уятта қолиши ёки бирор фалокатта учраши айтилади. Алишер Навоий: “Яхшилик билан ном қолдирмоқнинг ўзи улуғ мукофотдир”²⁰, дейди. Тарбияда “яхшилик” ахлоқий тамойилларнинг энг асосийси хисобланади. Албатта, яхшилик бор жойда унга қарши ёмонлик ҳам бор. Инсон ўз ҳёти давомида кимгадир яхшилик ва ёмонлик қиласа, кимдандир яхшилик ва ёмонлик кўради. Бу ҳёти конунги бўлиб инсон ҳётининг асосини “яхшилик” ташкил этади. Шу ўринда, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг “ҳар қандай келишмовчилик ва низоларни ақл билан, умумманфаатни хисобга олган ҳолда ҳал

²⁰ Ойбек. “Навоий”. Т: “Шарқ”, 1995. Б.36.

килиш зарур,”²¹ деган фикрини эслап айни муддао.

Алишер Навоий ўз рубоийларида инсонларни шукур қилишга чакириб, оғир кундаги шукр умид уйғотади, бошга тушган балоларни даф қиласди, деб таъкидлайди. Шу ўринда хар биримиз бекиёс Ўзбекистоннинг фуқароси эканимизга, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффолигига, сог-омон ўз оиласмиз бағрида яшाइттанимизга шукр қилишимиз лозим.

Мутафаккир, маърифатпарвар Абдулла Авлоний (1878-1934) таълим-тарбия тараққиётига катта ҳисса кўшган устоз, ўз асарларида халқимизнинг энг яхши анъаналарини акс эттирган ижодкор, ношир ва жамоат арбобидир. Абдулла Авлоний “усули жадид”, яъни илғор усуладаги мактаблар учун “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар”, “Биринчи муаллим”, “Туркӣ гулистон ёхуд ахлоқ”, “Иккинчи муаллим”, “Мактаб гулистони” каби дарслик ва ўқиши китобларини яратди.

Куръони карим сураларидан, хадиси шарифлардан, ўзбек халқининг бой педагогик мероси – эртак, макол, топишмок ва дидактик ҳикоялардан фойдаланилган бу китоблар халқ орасида маълум ва машхур бўлган. Абдулла Авлоний ўз асарларида дунё халқлари маданиятини, илм-фанни, мактаб ва маорифни улуғлаб, халқни илмли, маданиятли бўлишга ундаdi. Мутафаккирнинг фикрича, ахлоқ бу – хулклар мажмуи. Хулқ эса эзгулик ёхуд разилликнинг муайян бир инсонда намоён бўлиш шаклиди. Абдулла Авлоний ўзининг “Туркӣ гулистон ёхуд ахлоқ” асарида бола тарбиясини тўрт йўналишда: “Тарбиянинг замони”, “Бадан тарбияси”, “Фикр тарбияси”, “Ахлоқ тарбияси” каби бўлимларга ажратган ҳолда тадқиқ этади. «Тарбиянинг замони» бўлимида тарбияни бола туғилган кунданоқ бошлаш кераклигини таъкидлайди. “Тарбияни кимлар қилур?”, “Қайдай қилинур?” деган саволларни ўртага ташлайди ва уларга жавоб кидиради. “Биринчи – уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи – мактаб ва мадраса тар-

²¹ Салимов Б. А. Навоий ижодида инсонийлик ғояларининг акс эттирилиши ва унинг ахамияти. // А. Навоий ва XXI аср. Республика илмий-назарий анжуман материаллари. 2016й. Б.139.

бияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва хукумат вазифасидур”, дәе тарбияга ҳамма — ота-она, муаллим, хукумат ва бошқаларнинг масъул эканини таъкидлайди. Мамлакат тараккиёті, давлатнинг құдратлы бўлиши ёш авлод тарбиясига ҳар жиҳатдан боғлиқ деб хисоблаган аллома тарбия хусусий эмас, миллый, ижтимоий ишдир деган тўхтамга келади.

Тарбияни кенг маънода тушунган Авлоний уни биргина ахлоқ тарбияси билан чегаралаб кўймайди. У, аввало, боланинг соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш лозимлигига эътибор қаратади. Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм-маърифатта эга бўлиш учун, аввало, тан саломатлиги зарур. Авлоний фикрича, «баданинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлиқ, касалсиз жасад лозимдур».

Абдулла Авлоний боланинг бадантарбияси, саломатлиги масаласида ота-оналарга мурожаат қилса, унинг фикр тарбияси борасида асосий масъулият муаллимлар зиммасида эканига ургу беради. Болаларда фикрлаш қобилиятини ўстириш, дунёқарашини шакллантириш муаллимларнинг «диккатларига суюнган, вижданларига юклangan мukадdas вазифадур... Негаки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги, муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур», — дейди аллома. Шу билан бирга, муттафаккир Абдулла Авлоний: “Таълим ва тарбия узвий боғлиқ жараёнлардур, дарс ила тарбия орасида бироз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур”, — дәе таъкидлайди. Авлоний инсонга яхшилик ва эзгулик факат илм эгаллаш орқали сингади, деган қатъий фикрни билдиради. Илмли, эзгу фоя руҳида тарбияланган кишидагина Ватан түйгуси шаклланади, она юрти ва она тилига мухаббат уйғонади, садокати карор топади. Бу фазилатларсиз комил инсонни тасаввур этиб бўлмайди, деган фикрларни илгари суради.

Юрт равнаки, аввало, унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига боғлиқдир. Шу боис Абдулла Авлоний ёшларни илм, фойдалы хунар эгаллашта, китоб

мутолаасига ундаиди. Шунингдек, Авлоний илмизни жаҳолат билан тентгаптириб, шундай фикрларни билдиради: “Жаҳолат деб ўқимаган, билимсиз, хеч нарсага тушунмайдурган нодонликни айтилур”, – дейди. “Илм саҳрода – дўст, хаёт йўларида – таянч. Ёлгизлик дамларида – йўлдош, баҳтиёр дакикаларда – раҳбар, қайгули онларда – мададкор, одамлар орасида – зебу зийнат, душманларга карши қурапшда – куролдир”²². Мутафаккир: “Гўзаллик юзда эрмас, эй биролар, сўзи ширин киши ҳар кимга ёқар”, “Сўзинг оз бўлсину, маъноли бўлсун, эшитганлар қулоги дурга тўлсун,” — деб инсонларни хушсухан бўлишга чорлайди, токи сўзларимиз фарзандларимиз учун намуна бўлсин.

Абу Райхон Беруний (973-1048). Мутафаккирнинг 154 та асари номлари маълум. Улардан “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Хиндистон”, “Маъсуд конуни”, “Астрономия ва юлдузлар тўғрисида”, “Минерология” ва бошқа асарлари бизгача етиб келган. Мутафаккир ўз асарларида фалсафий-ахлоқий қарашлар билан бир қаторда халклар ўртасида дўстлик ва илмий ҳамкорликни юксак қадрлайди. Берунийнинг фикрича, кишилар учун дунёда турли ҳолатлар бор. Бу маҳмуд (мактальувчи), яхшилик ва ёмонлиқдир. “Мактанаарли (яхши) ҳолларнинг (маркази) мурувват (мардлик-эрлик) бўлиб, мурувватнинг таянчи поклик ва тозалиқдир”, – дейди.

Берунийнинг фикрича, киши ахлоқий мукамалликка эриша олиши учун ўз хулқи ва одатларидағи нуқсонларни тозалаб, ўзини тарбиялаб, ахлоқан даволапи зарур, дейди. Беруний халқлар ўртасида дўстликни ва илмий ҳамкорликни юксак қадрлайди. Беруний ўзининг “Хиндистон” асарида оила ва никоҳ муносабатларини ёритади. Мутафаккир оила ва никоҳ муносабатларининг нозик томонларини ахлоқий ва ҳукукий нұктай назардан тадқиқ қилас экан, оиланинг мустаҳкам ва тинч-тотув бўлиши, эр-хотиннинг аҳиллиги, шириңсўзлиги, бир-бирига бўлган меҳр-оқибатига боғлиқ, деган фикрни илгари суралди. Беруний ёшларга қаратада шундай дей-

²² И.Сувонкулов. Маънавият илдиzlари. Кўлланма. – Самарқанд. 2000. 72-бет.

ди: “Эй, қизим, сен ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хона-
донга түшмөқдасан. Сен бўлажак күёвингнинг ҳамма хислат-
ларини билмайсан. Сен ер бўл, у осмон бўлади. Сен у билан
шундай йўл тутки, унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у ос-
мон каби олийжаноб бўлади. Осмон шифоли ёмғири билан
ерни кўкартиргани каби у ҳам ўз меҳр-шафқати билан сени
хушнуд этади... Эринг сендан ширин ва юмшоқ сўзлар эшит-
син. Ярамайдиган ёки эски либосда ёки сочларинг тартибга
солинмаган ҳолда унинг олдида ўтирма.

Қизим, күёвингдан кучи етмаган ва олиб беришга куради
бўлмаган нарсаларни талаб килма. Бундай қилсанг, орадаги
тотувлик йўқолади, турли хил жанжаллар пайдо бўлади.

Қизим, рапк килишдан сақлангин, чунки у ажралиб ке-
тишининг калитидир. Эрингта ҳадеб гина килишни ман қи-
ламан. Чунки бу эзмалик нафратни уйғотади. Яхписи, у би-
лан хушмуомала, шириңсўзли бўлгин, бу ишинг ҳар қандай
сехр-жодудан яхшидир.

Сувдан тез-тез фойдалангин. Ўзингга хушбўй нарсалар би-
лан оро бер. Покизалик ҳамиша йўлдошинг бўлсин.”²³

Беруний карашларидағи тарбия, оила, ҳамкорлик, ўзаро
муносабатларда хушмуомалалик бутунги кунда айнан фарзанд
тарбиясида, уларни ҳаётга тайёрлашда катта аҳамият қасб этади.

Абу Али ибн Сино (980-1037) ўзининг “Донишнома” аса-
рида – ҳикмат илмини икки турга бўлади: “Биринчиси, ўзи-
мизни ўз қилмишларимиздан ҳабардор қиласди ва “Амалий
илем” деб аталади... У бизларнинг бу дунёдаги ишларимизни
амалга оширишимиз учун нима килишимиз кераклигини ўр-
гатади. “Амалий илем” ўз ўрнида уч турга бўлинади: бирин-
чиси – мамлакатни идора килиш, иккинчиси – уйни идора
килиш ва учинчиси ўз-ўзини идора килиш. Ахлоқ ҳар бир
киши учун “ўз-ўзини идора килиш” илмидир²⁴, – дейди.”

Унинг фикрича, яхшилик донолиқда, донолик эса ҳоди-

²³ Бобоев X., Ҳасанов С. Берунийнинг сиёсий-хуқукий карашлари. Ҳаёт ва
конун журнали. №3. 1996.

²⁴ Абу Али ибн Сино. Шеърлар. Нашринга тайёрловчи А.Ирсов. 1965, Б.18.

саларни билиш орқали қўлга киритилади, билим инсон ҳётининг ажралмас кисмидири. Мутафаккирнинг ахлоқ ижтиёмоий муносабатларнинг илми бўлиши кераклиги ҳакидаги фикри бугунги кунда ҳам муҳимдир. Мутафаккир “Тадбири манзил” асарида оиласи муносабатларни, ахлоқий тарбияда оиласининг ўринини ўзига хос тарзда баён этади. Ибн Сино оила бошлиғи олдига катта талаблар кўяди. Оиласада ҳар қандай шароитда ҳам бола тарбияси ота-она вазифаси эканлиги, уларни бир-бирларига меҳрибон қилиб тарбиялаш зарур, деган фикрни илгари суради. Ибн Сино фикрига кўра, оиласадаги тўғри тарбия оила баҳтининг асосидир. Шунингдек, оиласада отанинг ўрни, унинг қаттиқкўл бўлиши бола тарбияси учун муҳимлигини эътироф этади. Ибн Сино “Тадбири манзил” китобининг “Аёлларнинг яхши сифатлари” бўлимида: “Оналар оиласада босик, доно, ҳалол ва камтар бўлишлари, ҳамда бола тарбиясида отага энг яқин кўмақдош бўла олишлари оила мустаҳкамлигини саклашда ёрдам беради”, – дейди. Ахлоққа бағишланган рисоласида иффат, қаноат, сахийлик, шижаот, сабр-токат, мулојимлик, дўстлик, сирни саклай билиш, илм-маърифатли бўлиш, очиқлик, фаросатлилик, камтарлик, адолатлилик каби ахлоқий фазилатларга таъриф беради. У ахлоқий тарбия инсоннинг камол топишида жуда муҳим ўрин эгаллашини таъкидлайди²⁵. Жумладан, дўстлик ҳакида мутафаккир “Агар дўстлик савдо-сотикка ўхшаб, эҳтиёжига қараб ахтарилса, зарурат туғилмаган чоғда дўстни на-зарга илмай ташлаб кетилса, бу қандай дўстлик бўлди энди. Дўстининг бошига мушкул тушгандагина ҳолидан хабар олгани келиб, бошқа вактда бегонадай юрса, зарурат туғилгандагина эслаб, бошқа маҳалда сира эсламаса, ўйлаб кўр, шу ҳам дўстлик бўлдими ахир!”²⁶ ва “Ҳакиқатни очинглар, тўғри йўл-

²⁵ Шоумаров Ф., Акрамова Ф., Умаров Б. Оиласада маънавий-ахлоқий тарбия. Т: 2015.Б.20.

²⁶ Ҳикматлар хазинаси. Тўпловчи: М.Азаматов. Лугат ва изохлар тузувчи: Намір Норкулов. Т., 1977. Б.92.

дан юринглар^{127”} каби фикрларидан бугунги кунда ҳам оила мустахкамлигида, ундаги мухитни яхшилашпа, фарзанд тарбиясида ва маънавий баркамоллигини таъминлашда унумли фойдаланиш мумкин.

Умар Хайём (1048-1123) тафаккурнинг теран ва ноёб мазмунни билан поэзиянинг нозик шакллари ўртасида ўйгунилк яратган, математик сифатида кўп номатъум тенгламаларни очган, астроном сифатида 5000 йилда бир қунга хато қиласан, жаҳонда энг машҳур ва энг мукаммал тақвим яратган буюк мутафаккирdir. Унинг фикрича, инсоният жамияти кийим-кечақ, озиқ-овқат, турар жой яратиш учун ҳамкорликда яшамоклари зарур.

*Кўлни-кўлга бериб бўлмасак ҳамдаф,
Шодлик қасб этмас бафбод бўлмас гам.²⁸
Бирғағиб қўнглини қила олсанг шод,
Яхшиидир ер юзин қўлгандан обод.*

Умар Хайём ушбу рубоийсида: “Кишига қаратса имкон қадар камбагал, оч билан баҳоли қудрат нарсангни баҳам кўр, сахий бўл”, – дейди.²⁹ Унинг фикрича, зарурият ёмонликнинг сабаби бўла олмайди. Оз ёмонликни деб катта яхшилиқдан воз кечиши катта ёмонликdir. Мутафаккир инсон ахлоқи кишиларнинг баҳтли бўлиши учун хизмат қилиши кераклигини, инсонпарварликни тарғиб этади.

Саъдий Шерозий (1203/08-1292) – инсонийликни мадҳэтган мутафаккирлардан бири. Саъдий яратган латиф газаллар, “Гулистон” ва “Бўстон” асарлари унинг фалсафий ва ахлоқий қарашлари хакида маълумот беради. Мутафаккир фикрига кўра, баҳт фақат бу оламдагина мавжуд. Бефойда ўтказилган умр бехудага сарф этилган олтин билан баробар,

²⁷ Ўша китоб, Б.115.

²⁸ Я.Шермуҳамедов. Ўрта Осиё мутафаккирларининг яхшилиқ ва ёмонлик хакиқати қарашлари. Т: 1970.Фан, Б.36.

²⁹ Ўша асар, Б.39.

деб таълим беради. Мугафаккир меҳнатни, ҳалққа хизмат килипни улуғлайди. У инсон ҳаётининг маъноси меҳнат, ҳунар орқали бирорвинг оғирини енгил килишади, дейди. Саъдий Шерозий жамият ҳаётини яхшилаш, адолатсизликни тутатиш учун, оламни ақлга мувоғиқлаштириш учун ахлок, одоб, панд-насиҳат зарур, деб ўйлади. Шунинг учун хам мутафаккирнинг “Гулистан” ва “Бўстон асарларида кичик хикоялар, шеърий парчалар, ҳикматларида ёмонлик қорала-нади, олижаноб инсоний фазилатлар тарғиб этилади.

*Кимга ёшликтан берилмас одоб,
Улгайгач бўлади баҳтсиз, дили гаш.
Хўл новда эгилар, қай жилда эгсанг,
Курукни тўғифлар факат – ўт-оташ.³⁰*

Саъдий Шерозий ахлоқ назариясида яхшиликнинг барқарор бўлиши, ёмонликнинг йўқотилиши, яхшиликдан ўрнак олиш, ёмонликдан нафратланиш принципига асосланади. У ўз асарларида ахлокий тарбияни биринчи ўринга кўяди. Мутафаккир раҳмдиликнинг олий хулқ эканини айтиб, кишиларга зулм киладиган, ёмонлик истайдиган, одамларга озор берадиган кишиларга раҳм-шафқат килмасликни таъкидлайди ва жамиятдаги зулм ва зўравонликни, адолатсизликни ёмонлик деб баҳолайди. У кишилардаги таъна, ҳasad, ифво, ёлғончилик, ўғрилик, ишёқмасликни ёмонлик деб, бундай иллатларга қарпни қурапишига чакиради. Саъдий ҳамиша инсон учун кувноқ, баҳтли ҳаёт, хуш ахлоқ – гўзал одатларни тилаб, истаб, излаб изход этганлиги, ўзгалар ғами билан яшаганлиги барчамизга намунаидир.

Абдурахмон Жомий (1414-1492) қомусий билим эгаси, атоқли шоир, адабиётшунос, файласуф, мусикашунос сифатида машҳурди. Жомий Алишер Навоийнинг устози ва дўстти бўлган. Мутафаккирнинг “Ҳафт авранг” (Етти тахт) китоби, ундаги “Силсилат ут-захоб” (“Олтин занжир”), “Тухфат

³⁰ Саъдий “Гулистан”, 1968. Б.8.

ул-аҳрор”, (“Хур кишиларнинг тухфаси”), “Сабҳат ул-аброр” (Яхти кишиларнинг танбехи) ва бопка фалсафий достонлари ва “Соломон ва Абсол”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун” номли ишқий-романтик достонлари хозиргача юксак карданади. Абдураҳмон Жомий Шайх Саъдийнинг “Гулистон” асаридан илхомланиб, “Бахористон” номли ахлоқий-тальимий асарини яратган. Жумладан:

*Ростликдан яхшироқ зийнатни қачон,
 Қайда кўрди экан бирор билимдон;
 Бирдек қил доимо ичу ташингни,
 Тўғри бўл, қинеирлик еяр бошингни;
 Кишиким, йўқтрурў мөхрув вафоси,
 Агар хуршедидир, андин не ҳосил?
 Беҳуда гаплардан тилинг эт холи,
 Ошкор бўлади ақлинг жамоли, – дейди³¹.*

Мутафаккир бу дунёда инсонийлик одамларга яхшилик килишпода, деб ҳаммага яхшиликни право кўради. Унинг фикрчча, ёмонлик қилувчиларга ҳам яхшилик қилиб, уларнинг номусини уйғотиш ва шу билан уларни яхшиликка йўллаш ва тарбиялаш мумкин, деб ўйлади. Абдураҳмон Жомий ва Шайх Саъдий хаёти давомида ҳалқнинг саодати, қаҳрамонлиги, саховати, ростгўйлик ва адолатга интилишини мадҳ этгани биз учун ватанпарварлик намунасиdir.

Аҳмад Дониш (1827-1897) ўз даврининг атоқли олими, маърифатпарвари, адолатпарвар foяларнинг ижодкори хисобланади. Аҳмад Дониш “Агар мамлакат адолатли бошқарила, илм-маърифатта кенг йўл очилади, ҳалк баҳтли бўла олади”, дейди. У асрлар давомида барча мутафаккирларнинг ўй-фикрлари марказида турган инсон ва унинг интилишлари, орзу-умидлари ҳакида кенг фикр юритади. Аҳмад Дониш “Киши суратта эмас, балки маъноли ишққа боғланса, яъни

³¹ Ҳикматлар ҳазинаси. Тўпловчи: М.Азаматов. Лугат ва изоҳлар тузувчи: Найм Норкулов. Т., 1977. Б. 116, 119, 136.

хамма нарсани ўз хақиқати билан билишга, халқ учун илму хунар ортиришга кизикса, ишқининг энг аълоси шудир”, — дейди³². Мутафаккир “Одамларнинг яхши ва ёмон бўлишларига сабаб нима? Тўғри йўлдан адашмаслик учун одамлар кўнглида турли сезги, рух ва нафс қувватлари бор”, — дейди. Рух қуввати яхшиликка буюрувчи ва ёмонлиқдан сақловчи-дир, нафс қуввати эса ёмонликка юргизувчи ва яхшиликдан қайтарувчи-дир. Ҳар кимда ақл етакчи бўлса, у кипинни хатарли жойларга киришдан (ёмонликдан) қайтариб туради, ҳар ишда сабр-қаноат қилишга буюради”.³³ Ахмад Дониш халқни ботилдан, яхшини ёмондан, донони нодондан ажратадиган мезон ҳар бир кипининг “етарлидан ортиқча дунёга кўнгил қўйиш ёки қўймаслиги-дир”, дейди. У илмни шундай таърифлайди: “Бутун ҳунарларнинг аълоси илмадир”, “Одам яратилганидан сўнг унинг туганмас баҳти илм ва маърифатда бўлади”³⁴ — деб ёзади. Мутафаккир илм олиш, яхши хулқ, таълим-тарбия, инсон феъл-атвори ҳакида фикр билдирап экан, инсондаги ёмон феъл-атвор йўқотилмоғи керак, дейди. Унинг фикрича, “очкўзлик ва ҳасаднинг инсонга хеч кандай нафи йўқ, ҳар кимниң кўқрагидан ҳасад кўчати жой олган бўлса, у зиёндан бошқа мева бермайди”.³⁵ Мутафаккирнинг карашларидағи илм, меҳнат, адолат, яхшилик ҳакидаги фикрларни бебахо мерос сифатида тарбия жараёнида қўллаш катта ахамият касб этади.

Махмуд Кошгари – тил билимининг донишманди. У IX асрда яшаб ижод этган. Мутафаккир ёшлиги-дан халқ жонли тилидаги сўз ва ибораларни, хикматли сўз, маколларни ёзиб юради, уларни шарҳлаш, маъносини англашга интила-ди. Шундай қизиқишлар сабабли у туркий халқлар тарихи, тили, урф-одатларини пухта ўрганиш максадида бутун Осиёни кезиб чиқади. Бағдод шаҳрига келиб, араб тили ва адаби-

³² Дониш А. Наводир ул-вакое. Т; 1964.Б.215.

³³ Дониш А. Наводир ул-вакое. Т; 1964.Б.38.

³⁴ Ўша асар, Б.358.

³⁵ Ўша асар, Б.69.

ётини чуқур ўрганади, арабшуносларнинг илмий ишларини кузатади. Кейинчалик ана шу тўплаган далиллари асосида ўз даврининг энг зўр олими – Махмуд Кошғарий “Жавохирун нахв фи лугати турк” (“Туркий тилларнинг синтаксиси дурданалари”) ва “Девону луготит турк” асарини ёзган. Олимнинг биринчи асари йўқолган ёки хали топилмаган. Махмуд Кошғарийнинг 1076-1077 йиллар орасида ёзилган “Девону луготит турк” асари муқаддима ва лугатдан иборат. Кошғарийнинг бу асари ўша даврдаги Ўрта Осиё халқлари тарихи, турмуши, маданияти, урф-одатлари, адабиётини ўрганишда энг ноёб манбадир. Асарда туркий халқлардан ташқари араб, форс, хитой, рус халқлари ҳакида хам маълумотлар бор. “Девону луготит турк” асарида туркий халклар оғзаки ижоди ва ёзма адабиётига доир 300 дан ортиқ шеърий парчалар, маколлар, хикматли сўзлар ва лавхалар берилган. Жумладан, Кошғарийнинг:

*Боқмас жаҳон союқ сўз,
Шилқим, юзсиз баҳилга.
Ёқимли бўл, ҳушхулк бўл,
Қолсин номинг кўп йилга;*

“Яхшининг ёнгаги тупроқда чифса ҳам, номи қолади”³⁶ каби мисралари инсонни хушхулк, шириңсўз, тарбияли бўлишга чорлар экан, унинг бебаҳо меросини қадрлаш ва фарзандлар онгига сингдириш мухимдир.

Юсуф Ҳос Ҳожиб (1020 йилда туғилган) комусий билим соҳиби, давлат арбоби, туркий ижодкорларнинг пешқадами бўлган. У 1069 йили “Қутадгу билиг” (Саодатга элтувчи билим) асарини Болосогунда ёза бошлиайди ва 1070 йили Қашқарда тугатиб, хоким Буғрохонга тақдим этади. Китоб Буғрохонга ёқади ва у Юсуфга “Ҳос Ҳожиб” унвонини беради. Достон муқаддимасида шоир “Қутадгу билиг”ни 50 ёппи-

³⁶ Хикматлар хазинаси. Тўпловчи: М.Азаматов. Лугат ва изохлар тузувчи: Найм Норкулов. Т., 1977. Б. 105.

да ёзиб тугатгани қайд этилган. Бу асар туркий тилда ёзилган илк дидактик достон, пандномадир. Муқаддима ҳамда хотимадан ташқари 73 бобдан иборат бўлган бу асарда шоир ахлоқ-одоб, илм-маърифат, бола тарбияси, жамоат жойларида ўзини қандай тутиш, муомала одоби, сўзнинг ахамияти ва кадри, меҳмондорчилик қондаси, турмуш тарзи, инсон маънавий оламининг кўп масалалари хусусида бир маърифат жарчиси сифатида фикр юритади.

*Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин.
Киши икки нафса билан асло қаримайди,
Бирни эзгу хулқи, бирни эзгу ёзи.³⁷*

Абулқосим Махмуд ибни Умар ибни Аҳмад Замахшарий (1075-1144 й.). Машхур араб сайёхи Ибн Баттута (1333 ийл) Хоразмни зиёрат килганда Замахшарийнинг мақбарасини Кўхна Урганч яқинида кўрганини ва унинг устига кубба ўрнатилганини ёзиб колдирган. Замахшарий тил билими, тарих, география, адабиётшунослик, этнография, ахлоқ-одобга доир 50 дан ортиқ асар ёзган. У истеъододли шоир ҳам бўлган, газал, қасида, китъаларни тўплаб, алоҳида девон тузган. Китобхонга ахлоқий масалалар хусусида панд-насиҳатлар берган. Олим асарларининг турли даврларда кўчирилган 30 дан ортиқ нусхалари биззагча етиб келган. Олимнинг “Ал-кустос фил-аруз” (Аруз ўлчови), Насойиҳ ул-кибор (“Улуғлар насиҳати”), “Асос ул-балога” (“Сўзамоллик асослари”), “Ал-кашиф” (“Лён этувчи”) каби асарлари Шарқ шеърияти назариясини, адабий-эстетик қарашлар тарихини, ахлоқий-таълимий фикрлар такомилини ўрганишда ҳамон ўз ахамиятини сақлаб келмоқда. Замахшарий “Муқаддимат ул-адаб” (“Нафис адабиёт муқаддимаси”) асарини хоразмшоҳ Аловуддин Абул Музаффар топшириги билан ёзган. Ироқ олими Фозил Солиҳ аз-Самарний Замахшарийнинг 56 та асар ёзганини аниқлаган. Замахшарий

³⁷ Ҳомидов X. Қирқ беш аллома хикояти. Т; Фан, 1995. Б.70.

ўз ҳикматларида инсоннинг кийимига қарама, билимига қара, ёмонликни тузатипда ҳамма нарсадан яхшироқдири, дейди

*Эй бутам, сақлагин тилингни зинҳор,
Калтак едирғувчи сұзлағдан бир бор;*

*Самимиятсизлик ва иккюзламачилик бұлған ишда яхшилик бұл-
майди;*

*Таниғлиғы шағағынғ отандандыр,
Меҳрибонлық, мүшфиқлик онандандыр;³⁸*

Унинг ҳикматларидаги илмга чанқокалиқ, тилен тиіши, са-
мимий, меҳрибон бўлиш ва нодон, кибрли, мутакаббир бўл-
маслик каби фикрлари бутун ҳам ўз кийматини йўқотмаган.

Кайковус – машҳур ёзувчи, педагог, файласуф бўлиб, XI
асрда яшаган. Кайковус “Қобуснома”ни 63 ёшида ўз ўғлига
насихат сифатида ёзган. Унинг “Қобуснома” асарининг бе-
шинчи боби “Ота-онани ҳурматлаш ҳакида” бўлиб, ёшларни
ота-онани ҳурмат қилишга чакиради. Кайковус оилавий тар-
бия ҳакида гапирганда болани иложи борича хунарли қилиш
зарур эканлигига алоҳида эътибор каратади. У шундай ёзади:
“Агар киши олий мансаб, баланд мартабали бўлса-ю, хуна-
ри бўлмаса, халойиқнинг иззат ва ҳурматидан маҳрум бўла-
ди. Улуғлик насл-насаб билан эмас, акл ва билим биландир”.
Кайковус мағрурликни, такаббурликни қоралайди ва “кимки
мағрурланса, албатта, пушаймон бўлади”, деб таъкидлайди.
Мутафаккир одамларнинг энг яхши фазилатларини, уларнинг
хулк-атворини, хислатларини уч турга бўлади: аkl, тўғрилик,
жувонмардлик (инсонпарварлик, сахиийлик, қўли очиқлик).
Аксинча, сусткашлиқ, бефаҳмалик, ҳовлиқмалилик унинг яхши
хислатта эринишдаги йўлини беркитиб қўяди, дейди. Кайко-
вус ўғлига ёзган насихатларининг асоси қўйидагилардан ибо-
рат:

³⁸ Ҳикматлар ҳазинаси. Тўпловчи: М.Азаматов. Лугат ва изохлар тузувчи:
Найм Норкулов. Т., 1977. Б. 18, 30, 44.

- Аллохнинг кучли ва қудратли эканига ишониш;
- ҳаётда қандай мартгаба ва ютукларга эрипшиппдан қатъи назар, ота-онани хурмат қилиш ва эъзозлаш;
- албатта, ҳунарга эга бўлиш, иложи бўлса бир нечта касбга эга бўлиш;
- сўз қудрати. Шундай сўзлар борки, уларни билишни ҳам, сўзларни ҳам хожати йўқ. Шундай сўзлар борки, уларни билиш ва гапириш керак. Шундай сўзлар борки, уларни ҳар куни ва доимо гапириш зарур. Лекин шундай сўзлар ҳам борки, уларни билиш зарур, гапириш эса шарт эмас. Доимо эсда тутиинг: Аллоҳ бизга гапириш учун битта тил, эшитиш учун иккита кулок берганки, камроқ гапириб кўпроқ эшитиш учун;
- қарилик ва ёшликни ёдда тутиш;
- меҳмонларни кутишни ва меҳмон бўлишини билиш;
- дам олиш ва уйқу маданияти. Кўп ухлап зарап. Эрта туришга ўрганиш. Ўз хошишингта кўра, дам олиш турини белгила, факат ўзгаларга зарари тегмасин;
- дўстдан кўп нарса талаб килмаслик. Ўзи ҳам совғаларни кўпайтирмаслик. Вафодор дўст бўлиш.³⁹

Илмга чанқоқ бўл. Иктидорни хурмат қил. Қобилият Аллоҳ томонидан берилган инъом, шунинг учун ҳам хурмат ва эъзоз талаб килади. Улар доимо ёдингда бўлсин.

Кайковус ўз асарида ёшларнинг хулқ-атворига алохида эътибор қаратади ва ёшларни инсонпарвар бўлишинга, ҳалқка ширин муомала қилишинга чорлайди. Шунингдек, дўстга, душманга қандай муносабатда бўлиш каби масалаларни ҳам ўз асарида ёритади. Кайковуснинг фикрича, тарбиядан мақсад инсонни хозирги замон ва келажак учун яроқли шахслар қилиб тарбиялашдир.

Абу Мухаммад Илёс бинни Юсуф Низомий (1141/43-1209 й.). Давлатшоҳ Самаркандий Низомийнинг 20 минг мисрадан иборат шеърлар девони мавжудлигини таъкидлаган. Шоирнинг ўзи “Хусрав ва Ширин” асарини ёзган. Низомий-

³⁹ Сайджанов Ю. Традиции просвещения на Востоке. Издательство литературы и искусства им. Г.Гуляма. Т; 2001. Б.26.

нинг Эрон олимлари томонидан турли манбалардан йиғиб, чоп этилган девони 10 қасида, 192 ғазал, 5 қитъа, 68 рубоийдан иборат. Низомий “Хамса”нинг илк достони – “Махзан ул-асрор” (“Сирлар ҳазинаси”)ни 1173-1180 йилларда ёзиб, Кичик Осиёдаги Эрзинжон шаҳрининг ҳокими Баҳромпоҳга йўллаган. Достон шоҳга маъкул бўлиб, шоирга инъом-эхсон жўнатган. Шоиринг “Махзан ул-асрор” асари ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий достон бўлиб, 20 бобдан иборатадир. Унда одам ва оламнинг яратилиши, адолатнинг файзи ва зулмнинг зарари, одамгарчилик, яхшилиқ, аждодлар урф-одатига ҳурмат, вафо ҳамда садокат, поклик ва саҳийлик, меҳрибонлик сингари ҳаётий масалалар ёритилган. Абу Муҳаммад Илёс бинни Юсуф Низомий ҳаёти давомида аждодлар меросини, урф-одатларини қадрлашга, адолатли бўлишга, илм ва хунар ўрганишга, ўзаро муносабатларда вафо, садокат, поклик, самимийлик, саҳийлик сингари фазилатлар инсон учун зарур деган қарашлари биз учун фарзанд тарбиясида дастуриламал бўлиши мусаддага мувофиқдир.

Абу Абдулла Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (774-1140) 10 ёшидан ҳадисларни чукур ўрганиб, 16 ёшида Ҳажсафарини ўтаган ва Маккада 4 йил яшаган. Кейинчалик араб мамлакатларида сафарда бўлиб, 600 минг ҳадис тўплаган ва улардан 100 мингини танлаб, уларнинг ҳақиқий (саҳих) эканлигини исботлаган. Шунингдек, 200 минг файри саҳих ҳадисларни ёддан билган. Мутафаккир ўз Ватанига қайтгач, “Ал-жомеъ ас-саҳих” номли 4 жилдли ҳадислар тўпламини тузган. Бу тўпламга 7275 та ишончли ҳадислар киритилган. Бу китоб бир неча марта қайта кўчирилган бўлиб, у араб мамлакатларида ҳам машҳурдир. Бухорийнинг авлодларга қолдиранг илмий-маънавий мероси, ёзган асарларнинг сони – 20 дан ортик. Жумладан, “Ал-адаб ал-Муфрар”, “Ат-тарих ас-сағир”, “Ат-тарих ал-авсат”, “Ат-тарих ал-қабир”, “Китаб ал-илал”, “Биррул-волидайн”, “Асмо уз-саҳоба”, “Китаб ал-куна” шулар жумласидандир. Алломанинг мухим асари “Ал-жомеъ ас-саҳих”дир. Бу асар “Саҳихи ал-Бухорий” номи билан машҳур бўлиб, унга ишончли, аниқ ҳадислар киритилган. Ҳадислар

султони Имом ал-Бухорийнинг асарлари ота-онага хурмат, кариндошларга нисбатан оқибатли бўлиш, кўшиларга озор бермаслиқ, кўшни хаққини адо этиш, фитнадан, гийбат ва кибролан узоқ бўлиш, адолат билан иш тутиш каби инсонга хос фазилатлар ҳадислар оркали ёритилганки, зеро уларни ҳак деб ўзида мужассам этган инсон хеч качон хор бўлмайди, деб умид киласиз.

Улуг мутафаккир, адиб, давлат арбоби, олим – Абдурауф Фитрат (1886-1938). 1914 йили “Оила ёки оилани бошкарини тартиби” номли рисола ёзиб, уни 1915 йили нашр эттириди. Орадан 73 йил ўтиб, тарих фанлари доктори, профессор Ш.Вохидов уни форс тилидан ўзбек тилига таржима килиб, қайта нашр қилди.⁴⁰ XX аср Туркистон жадидчилик ҳаракатининг улкан намояндаларидан бири Абдурауф Фитрат бу асарида оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, ота-она, фарзандларнинг ҳуқук ва бурчлари, хатто, гўдакларни тарбиялаш ва унда ёш оналарнинг ўзини қандай тутиши кераклиги, шунингдек оиланинг жамиятдаги ўрни, фарзандларнинг ахлоқий ва меҳнат тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Фитрат “Рахбари нажот” асарида ёш авлод тарбияси тўғрисида шундай ёзган: “Дунё курашнинг умумий майдонига ўхшайди ва бу майдоннинг бузрук пахлавонлари инсонлардир. Бу курашда голиб чиқиш учун уч хил қуролга эга бўлиш кепрак: биринчиси - “Саломатлик”, иккинчиси -“Соғлом фикр”, учинчиси -“ Ахлоқи сано” (олий ахлоқийлик). Болаларни баркамол килиб вояга етказиш учун унинг тарбиясига фақат оиласина жавобгар бўлмасдан, бутун миллат ахли жавобгардирлар”⁴¹. Фарзанд, унинг тарбияси қадимдан ҳалқимизнинг эзгу орзуси бўлиб келган. Фитратнинг фарзанд тарбияси ҳақидаги бу фикрлари бутун ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ. Шундай экан, Шарқ мутафаккирларининг тарбия ҳақидаги бебаҳо мероси – инсоннинг инсонийлигини таъминлайдиган абадий қадрият эканини ва ундан фарзанд тарбиясида тўлақонли фойдаланиш зарурлигини унутмаслигимиз даркор.

⁴⁰ А.Фитрат. Оила. Т., “Маънавият” 1998.

⁴¹ А.Фитрат. Оила. Т., 1998. Б.60.

МУТАФАККИРЛАРНИНГ КИТОБ ҲАҚИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАРИ

Ўзбек оиласарида китобга мухаббат, китобни авайлаб-асрап, китобхонлик, газалхонлик қадимий анъаналардан бўлиб, фарзанд тарбиясида мухим хисобланган. Биз китобхонлик ҳакида сўз юритар эканмиз, тарихга бир назар ташлаймиз. Бундан салкам уч ярим минг йил илгари аждодларимиз томонидан муқаддас маънавий китоб – “Авесто” идеографик ёзув қашф этилган. Оташпаст аждодларимиз уни тўла-тўкис ёд билмоқни, унга амал килиб яшамоқни ўзлари учун бурч деб билганлар. Мутафаккир Абу Райхон Беруний тувоҳлик беришича, араблар Туронни босиб олгач, оташпастларниң муқаддас “Авесто” китобини бирор нусха ҳам колдирмай ёкиб юборишган. Шунингдек, монавий, сурёний, эфталит, браhma, суғдий, хоразмий, бохтарий ёзувларида битилган ҳар қандай ёдгорликни йўқотишга уринганлар⁴². Шунга қарамай, аждодларимиз ўзининг маънавий бойликларини турли йўллар билан сақлаб қолишган. “Авесто” китоби ёкиб юборилганидан кейин икки асрча вакт ўтганига қарамай уни ёдлаганларни хотирасидан қайта ёзиб олинган. Қадимдан маълумки, китобсеварлик инсоний фазилат бўлиб, унда инсонниң маънавий комиллик даражаси акс этиб туради. Китобсеварлик оиласи шаклланади. Қадимда ҳалқ баҳшиларининг оиласи давраларда, тўй-маъракаларда, зиёфат ва гап-гаштакларда, чойхоналарда куйлаган достонлари, буви-ю боболарининг болаларга айтган эртаклари, аллалари, ривоятларини мароқ билан тинглаш орқали китобхонлик шаклланиб борган. Қадимдан неча асрлардан бери китобхонлар даврасида донги кетган Абулқосим Фирдавсийнинг “Шохнома”си ва Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларниң мислсиз “Хамса”ларини ўкиш орқали шохномаҳонлик ва ҳамсаҳонлик, шунингдек, Ахмад Яссавийнинг “Ҳикматлар”, шайх Саъдийнинг машҳур “Ту-

⁴² О.Сафаров., М.Махмудов. Оила маънавияти. “Маънавият”, Т.,1998.Б.104.

листон” ва “Бўстон” асарлари, газаллари, Умар Хайём рубоийларини оила даврасида мушоҳада ва муҳокамалар билан мутолаа қилиш замирида яссавийхонлик, газалхонлик, жомийхонлик, навоийхонлик сингари китобхонлик анъаналари шаклланган⁴³. Жумладан, навоийхонлик кечасида факат Навоий асарлари мутолааси билан чекланилмаган, балки унинг ижодий анъаналарини давом эттирган издошлари асарлари хам ўкиб, муҳокама қилинган. Китобхонлик анъанаси XX асрда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек ва бошқа сўз санъаткорлари асарларини оилавий ўкиш орқали қодирийхонлик, чўлпонхонлик, фитратхонлик, ойбекхонлик қўринишида намоён бўлган. Ўша вактларда аксарият китобхонлар “Ўтган кунлар” романини ёддан билганлар. Бугунги кунда хам навоийхонлик, газалхонлик, шеърият кечалари, бадний кечалар ўтказилиши китобхонлик анъанасининг давом этётганини кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоиз, китобхонлик инсон маънавиятини юксалтирадиган, диққатини бир жойга жамлашга, сабрга ўргатадиган меҳнат туридир. Китоб ўкишга ўрганган инсоннинг маънавий дунёкараши кенг, фикри тегран бўлиб, атрофда юз берадиган воқеа ва ходисалар моҳиятини онгли равишда тушунишга, хулоса чиқаришга харакат қиласди. Одатда, китобхон болалар ўзларига ишонган, ташаббускор, фидойи, ўз юрти тарихига қизиқувчан, ватанпарвар бўладилар. Абдураҳмон Жомий китоб мутолаа қилиш, илм ўрганиш, маърифатли бўлиш инсоннинг бу дунёдаги энг мароқли ишларидан бири эканини шундай тараннум этади:

*Китобдан яхшироқ дўст ўйқ жаҳонда,
Гамохўринг ҳам гамли бу замонда.
У билан қол таңҳо, ҳеч бермас озор
Жонингга юз роҳат берад ҳар онда.*

Севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов китобхонларга карата, “Китобдаги қувонч ва изтиробларни ўқувчи ўзиники деб қабул киласгина, ўша ҳакикий асардир”, – дея таъриф берган.

⁴³ О.Сафаров, М.Махмудов. Оила маънавияти. “Маънавият”, 1998.Б.107.

ХУЛОСА

Ҳаммамизга маълумки, муқаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюк Шарқ мутафаккирларининг мероси бизни доимо ҳалол меҳнат билан яшашга, мардлик, саховат ва камтарликка, адолатта ва меҳр-оқибатта чакиради. Албатта, ҳар қайси ҳалқ ёки миллатнинг маънавиятини, тарихини, ўзига хос урф-одат ва анъаналарини миллий қадриятларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шарқ олимларининг, жумладан, Ибн Синонинг ҳикматлари, Низомулмulkнинг “Сиёсатнома”, Носир Хисравнинг “Саодатнома”, “Рўшноинома”, Юсуф Ҳос Ҳожибининг “Қутадғу билиг”, Махмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк”, Ахмад Юғнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойик”, Абу Райҳон Берунийнинг “Махбуб ул-қулуб”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи мухсиний” каби асарларида бола тарбиясига бўлган эътибор ўз аксини топган. Қайд этилган асарлардан фарзанд ота-онанинг баҳти бўлса, тарбия фарзанднинг бугуни, эртаси ва келажагидир, деган умумий хуносага келиш мумкин. Шунинг учун ҳам тарбия – ижтимоий ҳодиса. Тарбия киппилик жамияти пайдо бўлган даврлардан бери мавжуд. Негаки, инсон ер юзидағи энг мукаммал зот бўлиши учун, аввало, у тарбияланиши зарур. Ҳалкимиз орасидаги “Гарбиячи, аввали, ўзи тарбия кўрган бўлиши керак”, деган накл бекорга айтилмаган. Мутафаккир Ибн Сино тарбия берувчиларга карата, “Кимга қандай панду насиҳат килсанг, унга, аввало, ўзинг амал қиласа”, – дейди.

Фарзанд тарбиясида, уларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш ва бойитишда, мутафаккирларнинг фикр-мулоҳазалари, панд-насиҳатлари, ҳикматларидан фойдаланиш ва баркамол инсонни вояга етказиш барчамизнинг бурчимиздир.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	1
Фарзанд тарбиясида мутафаккирларнинг карашлари	2
Шарқ мутафаккирларининг тарбия тўғрисидаги маънавий мероси	9
Мутафаккирларнинг китоб хакидаги мулохазалари.....	29
Хуроса.....	31

Услубий кўлланма

ФАРМОНОВА МУЗАЙЯМХОН

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

Масъул муҳаррир: *Шуҳрат Деконов*

Мусаххих: *Даврон Мансуров*

Дизайнер: *Валерий Кокшаров*

Саҳифаловчи: *Ислом Якубов*

«TASVIR NASHRIYOT UYI» МЧЖ

Нашриёт лицензияси: AI № 292. 23.02.2017 й.

Босишига рухсат этилди 21.01.2020.

Бичими 84x108_{1/32}, Times New Roman гарнитураси.

Офсет босма. Босма табори 3.

Нашриёт босма табори 2,3. Адади 10 000 нусха.
Буюртма рақами _____. Баҳоси келишилган нархда.

«KOLOR PAK» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8.

Тел.: +998 71 230 27 73, +998 71 230 27 74